



БЕКОБОД — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛИГИ, ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПЎЛАТДЕК МУСТАХКАМ ПОЙДЕВОРИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 июль куни Тошкент вилоятининг Бекобод шахрига ташриф буюриб, Ўзбекистон металлургия комбинатида амалга оширилаётган ишлар ва янги лойиҳалар билан танишди. Шунингдек, мамлакатимизда қора металлургия саноатини янада ривожлантириш юзасидан йиғилиш ўтказди.



Бекобод нафақат Тошкент вилояти, балки Ўзбекистон саноатининг йирик таянч нуқталаридан бири. Мамлакатимиз металлургия тармоғининг шаклланиши ва тараққиётида алоҳида ўрин тутадиган стратегик шахар. Йиллар давомида ишлаб чиқариш қувватлари, муҳандислик салоҳияти ҳамда малакали кадрлар мактаби билан танилган Бекобод шахри бугун мутлақо янги ривожланиш босқичига қадам қўймоқда. 110 минг юртдошимиз истиқомат қилаётган ҳудудда эндиликда саноат корхоналари модернизацияси, янги инвестиция лойиҳалари билан бир қаторда

замонавий инфратузилма, қулай транспорт тизими, аҳоли ҳаёт сифатини оширишга қаратилган ечимлар ҳам тараққиётнинг муҳим мезонига айланган.

Айниқса, ҳудудлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий алоқаларни мустахкамлаш, аҳолининг эркин ҳаракатланиши учун замонавий транспорт инфратузилмасини яратиш масаласи доимий диққат марказида. Темир йўл транспортини изчил ривожлантириш, ички йўналишларда қатновлар географиясини кенгайтириш, йўловчилар учун хавфсиз, тезкор ва қулай хизматларни йўлга қўйиш, хусусан, йирик саноат марказларини

пойтахт билан замонавий транспорт орқали боғлаш ишлаб чиқариш, таълим ва хизматлар соҳасидаги интеграцияни янада кучайтиришга йўл очмоқда.

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бекобод шахрига Тошкентдан электропоездда етиб келгани алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур йўналишдаги ишлар Президентимизнинг 2025 йил 27 декабрдаги “2030 йилга қадар темир йўл транспортда маҳаллий йўналишларда йўловчи ташиш кўрсаткичларини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида

изчил амалга оширилмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, ҳудудларда транспорт инфратузилмаси босқичма-босқич янгиланиб, маҳаллий қатновлар кенгайтирилмоқда, ҳаракат таркиблари янгиланяпти.

Бекобод темир йўл вокзалида давлатимиз раҳбарига пойтахт ва мазкур шаҳарни боғловчи янги йўналишда бажарилган ишлар ҳақида ахборот берилди. Узунлиги 192 километр бўлган Тошкент — Бекобод темир йўлида кунига қарийб минг, йилга эса 300 минг йўловчига хизмат кўрсатиш режалаштирилган. Ушбу йўналишда олти вагондан иборат, 586 йўловчини сигдира оладиган замонавий электропоезд соатига 120 километргача тезликда ҳаракатланади. Бу, айниқса, ҳар куни иш ва ўқиш мақсадида пойтахт ҳамда Бекобод ўртасида қатновчи фуқаролар учун қимматли вақтини тежаш, қўшимча қулайликлардан баҳраманд бўлиш имконияти демакдир.

Янги электропоезд вагонлари кондиционер ва иситиш тизимлари, юмшоқ ўриндиқлар, USB қувватлаш нуқталари, Wi-Fi тармоғи, видеокузатув воситалари ҳамда электрон ахборот таблолари билан жиҳозланган. Ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус кўтаргичлар, велосипедларни жойлаштириш имконияти ҳам назарда тутилган. Бу каби ўзига хос ечимлар орқали эса, ўз навбатида, транспорт хизматлари замонавий талаблар даражасига олиб чиқилиб, аҳолининг барча қатламлари учун қулай ва инклюзив муҳит яратилаяпти.

Тезкор электропоезднинг қатновга қўйилиши автомобиль йўлларидаги транспорт юкларини камайтириш, шунингдек, экологик тоза транспорт улушини ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

Президентимиз ташриф давомида мазкур жиҳатларга тўхталиб, темир йўл инфратузилмасини янада ривожлантириш, йўловчилар учун яратилаётган шaroитларни изчил яхшилаш, тармоқларни электрлаштириш ва темир йўлларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш юзасидан

мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди. Вокзал инфратузилмасини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда йўловчилар ҳаракатини самарали ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Ўзбекистон металлургия комбинатида барпо этилган янги қуёв-прокатлаш мажмуасини ишга тушириш маросимида иштирок этди.

Мамлакатимиз етакчиси тантанали маросимда комбинат жамоаси, меҳнат фахрийлари ҳамда хорижлик ҳамкорларни ушбу муҳим воқеа билан табриклаб, металлургия тармоғини ривожлантириш иқтисодиётимизнинг стратегик йўналишларидан бири эканини алоҳида таъкидлади.

Кейинги йилларда кон-металлургия соҳасини янги технологик босқичга олиб чиқиш мақсадида кенг кўламли ислохотлар ўтказилмоқда. Ўтган ўн йил давомида соҳага қарийб 2 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этилиб, 31 та йирик ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди. Хусусий сектор учун яратилган кенг имкониятлар натижасида тармоқда фаолият юритаётган корхоналар сони 150 тадан ошди. Бундай ўзгаришлар ишлаб чиқариш кўрсаткичларида ҳам яққол намоён бўлди. Маҳаллий металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йилга 3 миллион тоннага, қиймати эса 23 триллион сўмга етди. Ҳолбуки, 2016 йилда тармоқда 800 минг тонна, қиймати 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган эди.

Металлургия тармоғининг бугунги тараққиёти маҳсулот номенклатураси сезиларли даражада кенгайгани билан ажраллиб туради. Илгари асосан қурилиш соҳаси эҳтиёжлари учун металл прокат ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда машинасозлик, электротехника, мудофаа саноати ва энергетика каби жадал ривожланаётган йўналишлар учун 80 турдаги янги маҳсулот тайёрланмоқда.

Президентимиз металлургия меҳнати янги Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини яратиш, йирик бунёдкорлик лойиҳаларини рўйбга чиқариш ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожига муҳим ўрин тутатганини алоҳида қайд этди.

Давлатимиз олдида қўйилган улкан иқтисодий мақсадлар металлургия саноати зиммасига ҳам янги вазифаларни юклаганмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётини технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш, 2030 йилга бориб, ялпи ички маҳсулот ҳажмини 240 миллиард долларга етказиш, келгуси беш йилда иқтисодиётга 180 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиш, 27 миллиард долларлик ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси лойиҳаларини амалга ошириш каби улкан бунёдкорлик режалари металл маҳсулотларига талабни бугунгидегага нисбатан 1,5 баробар оширади. Шу боис, 5,5 мингдан зиёд фидойи меҳнат жамоасига эга Ўзбекистон металлургия комбинатининг ўрни ва масъулияти янада ортмоқда.

Янги қуёв-прокатлаш мажмуаси ана шу истиқболли вазифаларни бажаришда муҳим таянч бўлади. Энергиятежамкор технология ва замонавий рақамли ечимлар асосида бунёд этилган мажмуа меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш самардорлигини таъминлашда янги босқични бошлаб беради. Энг муҳими, лойиҳа юртимиз тарихида иссиқ прокатланган пўлат листлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган биринчи мажмуадир. Унинг ишга туширилиши натижасида йилга 8 триллион сўмлик 1 миллион тонна иссиқ прокатланган пўлат лист ишлаб чиқарилади, Тошкент ва Самарқанд металлургия заводларининг прокат листларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қопланади ҳамда 1200 та юқори даромадли иш ўрни яратилади.

Давоми 2-бетда

Шукуҳ

ҲАЛОЛЛИКНИНГ ҲАЛОВАТИ

“Ўзметкомбинат”га бағишлов

Биз дунёга кўзгу тутиб яшагаймиз,
Дил ниятин эзгу тутиб яшагаймиз,
Ҳар луқмани ҳалолдан ошагаймиз,
Ҳалоллик бу — аҳдмизга кафолатдир,
Халқимизнинг бирлигига далолатдир!

Она Ватан, ота макон — Ўзбекистон,
Юрт тупроғи бизлар учун тандаги жон,
Майли, олтин, майли темир — борлиги шон,
Тилло тупроқ элим учун саодатдир,
Халқимизнинг бирлигига далолатдир!

Иншааллоҳ, ҳар ишда бор ибратимиз,
Бекободда металзавод қудратимиз.
Биз экамиз, биз курамыз — яратамиз,
Бу заҳматнинг ортидаги фароғатдир,
Халқимизнинг бирлигига далолатдир!

Қаттол уруш кечган оғир йиллар қурган,
Ватан деган, тинчлик деган диллар қурган,
Иш бошида ўзбек отлиғ миллат турган,
“Меткомбинат” эл-юрт учун матонатдир,
Халқимизнинг бирлигига далолатдир!

Ҳар инсоннинг ризқи-рўзи меҳнатиди,
Ўн мингдан кўп жамоанинг иш хатида.
Оила тўқ, юрт ривож фидратиди,
Манглай тери элга тутган ҳаловатдир,
Халқимизнинг бирлигига далолатдир!

Ўзбекистон янги замон чироғидир,
Кўҳна тарих, қадим дардлар фироғидир.
Бошимизда бирлигимиз байроғидир,
Бу аҳддаги, бу тахтдаги салобатдир,
Халқимизнинг бирлигига далолатдир!

Бизни олдга чорлагувчи тиниқ ҳавас,
Ҳали кўплар келолмағай бизларга бас.
Металл завод печидида алангамас,
Президент кўксидида ҳароратдир,
Халқимизнинг бирлигига далолатдир!

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири



Янги Ўзбекистон руҳи



ТИНЧЛИКПАРВАР ВА ХАЛҚПАРВАР ТАШҚИ СИЁСАТНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Уч минг йиллик давлатчилик тарихимиз далолат берадики, ҳар бир буюк тараққиёт босқичи халқ манфаатини ҳамма нарсдан устун қўйган, юксак сиёсий ирода ва тарихий масъулиятни зиммасига олган кучли раҳбарлар номи билан боғлиқ бўлган.

Дунёда ишонч инқироzi, геосиёсий тантаналик ва хавфсизлик билан боғлиқ таҳдидлар тобора кучайиб бораётган бугунги таҳликали шароитда Алишер Навоийнинг асрлар оша янграётган қуйидаги ҳикмати янада долзарб аҳамият касб этмоқда:

“Олам аҳли билингизким,
иш эмас душманлиг,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким,
эрур ёрлиг иш”.

Ушбу битиклар инсонпарварлик, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик ғояларини улуғлайди. Бугун юртимизда “Инсон қадрини учун” ғояси асосида юритилаётган ички ва ташқи сиёсат айнан шу эзгу фалсафа билан ҳамроҳланган.

Президентимизнинг глобал мулоқотни таъминлаш сазй-ҳаракатлари фалсафаси инсоният олдида турган

долзарб масалаларга ечим топиш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, ўзаро ишонч ва бағрикенглик муҳитини қарор топтириш, экологик барқарорлиқни таъминлаш ҳамда келажак авлодлар манфаатларини ҳимоя қилиш каби эзгу ғоялар билан чамбарчас боғлиқ.

Давоми 3-бетда

БЕКОБОД – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛИГИ, ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПЎЛАТДЕК МУСТАХКАМ ПОЙДЕВОРИ

Бошланиши 1-бетда

Тантанали маросимда Президентимиз мажмуа қурилишида иштирок этган қурувчи ва муҳандислар, технолог ва машинистлар, ишчи-ҳодимлар, меҳнат фахрийлари ҳамда хорижлик ҳамкорларга самимий миннатдорлик билдирди. Шу билан бирга, комбинатни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳам белгилаб берилди. Хусусан, корхонанинг хомашёга эҳтиёжини маҳаллий ресурслар ҳисобидан таъминлаш энг муҳим вазифа экани айтилди.

Мамлакатимиз ҳудудларида 1,5 миллиард тонна темир рудаси захираси мавжудлиги таъкидланиб, яқин уч-тўрт йилда Тебинбулоқ конини ишга тушириш орқали йилга 1 миллион тонна

корхонада устоз-шогирд анъанаси асосида шаклланган тажриба мактаби кўлаб меҳнат жамоалари учун ибрат экани алоҳида ургуланди.

Давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, янги қуюв-прокатлаш мажмуаси фаолиятига тантанали равишда старт берди ҳамда соҳа фахрийлари, комбинат ҳодимлари ва хорижлик ҳамкорлар билан самимий мулоқот қилди.

Президентимиз Ўзбекистон металлургия комбинати қуюв-прокатлаш мажмуасининг ягона бошқарув пулти орқали метални прокатлаш жараёнларини кўздан кечирди. Замонавий рақамли ечимлар асосида ташкил этилган бошқарув маркази ишлаб чиқаришнинг барча асосий босқичларини ягона тизим орқали мувофиқлаштириш, технологик



пўлат ишлаб чиқариш, Сурунота конидаги маъданларни бойитиш ҳисобига эса йилга 600 минг тонна темир хомашёси олиш йўлга қўйилиши маълум қилинди. Ушбу хомашёни чуқур қайта ишлаш мақсадида комбинатда қиймати 180 миллион долларлик замонавий металлургия заводи қурилиши бошланади.

Келгуси уч йилда 30 миллион доллар инвестиция ҳисобига пўлат шарлар ишлаб чиқариш линиялари босқичма-босқич модернизация қилиниб, уларнинг қуввати 250 минг тоннадан 500 минг тоннагача оширилади.

жараёнлар узлуксизлиги ва самарадорлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Кейинги йилларда комбинатни модернизациялаш, ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича изчил ишлар бажарилди. Натижада комбинатнинг соф фойдаси 2017 йилдаги 14 миллион доллардан 2025 йилга келиб, 23 миллион долларга етди.

Президентимиз 2018 йил 29 август куни Бекобод шахрига ташрифи чоғида айнан мазкур қуюв-прокатлаш мажмуаси қурилиши лойиҳасига тамал тошини қўйган эди. Умумий қиймати 839 миллион

“Мамлакатимиз ҳудудларида 1,5 миллиард тонна темир рудаси захираси мавжудлиги таъкидланиб, яқин уч-тўрт йилда Тебинбулоқ конини ишга тушириш орқали йилга 1 миллион тонна пўлат ишлаб чиқариш, Сурунота конидаги маъданларни бойитиш ҳисобига эса йилга 600 минг тонна темир хомашёси олиш йўлга қўйилиши маълум қилинди.

Комбинат ҳудудида Ўзбекистон экологик технологиялар саноат паркни ташкил этилиши ҳам кўзда тутилган. Жорий йилнинг ўзида мазкур саноат паркда катта диаметрли қувурлар, кўтарма кранлар ва филтрлаш ускуналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, умумий қиймати 70 миллион доллар бўлган 6 та лойиҳа бошланади. Уларнинг амалга оширилиши натижасида яна 660 та юқори даромадли иш ўрни очилади.



Мамлакатимиз етакчиси металлургия оғир, шу билан бирга, шарафли касб эканини таъкидлаб, комбинат жамоасининг машаққатли ва фидойи меҳнати юксак эҳтиромга сазоворлигини қайд этди. Салкам бир асрлик тарихга эга

бошқа барча технологик жиҳозлар билан интеграция қилиниб, ягона пулти орқали бошқарилмоқда. Мазкур технологик ечим ишлаб чиқариш жараёнларини марказлаштирилган ҳолда назорат қилиш, ускуналар фаолиятини

мувофиқлаштириш ва самарадорликни ошириш имконини яратади. Аввалги технологияларда 4-5 та бошқарув пултидан фойдаланилган ва уларда 9 ҳодим меҳнат қилган бўлса, бүгунги кунда ягона бошқарув тизими орқали бутун жараёни атиги 3 мутахассис назорат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу тизимни янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, ягона бошқарув платформасига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали мажмуанинг барқарорлиги ва иқтисодий самарадорлигини янада ошириш зарурлигини таъкидлади. Замонавий технологияларни ишлаб чиқариш жараёнларига кенг татбиқ этиш корхонанинг рақобатбардорлигини мустахкамлаш билан бирга маҳсулот сифати ва меҳнат унумдорлигини янада юксалтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Мажмуанинг технологик имкониятлари билан танишув чоғида ускуналар хавфсизлиги ва тезкорлиги бўйича ушбу лойиҳа Марказий Осиёда ўзига хос ҳамда муқобили йўқ экани билдирилди. Хусусан, ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатмаган ҳолда, инсон омили иштирокисиз асосий валларни аввалги 30-40 дақиқа ўрнига атиги 5-7 дақиқада автоматик равишда алмаштириш имконияти яратилгани замонавий технологик ечимларнинг муҳим афзалликларидан биридир.

Президентимиз лист прокатидан тайёрланган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди. Мутасаддилар томонидан иссиқ прокатланган лист маҳсулоти асосида шаклланаётган қўшилган қиймат занжири, республика-мизда ишлаб чиқаришни ўзлаштириш тавсия этилаётган янги маҳсулот турлари юзасидан ахборот берилди. Қурилиш соҳасида арматура маҳсулотлари муомаласини тартибга солиш, қурилиш объектларида қора металл прокатидан фойдаланиш устидан назоратни



куचाйтириш ҳамда сейсмик хавфни камайтиришга қаратилган амалий чоратадбирлар ҳақида ҳам батафсил маълумот тақдим этилди.

Мамлакатимиз етакчисининг Бекободга ташрифининг асосий воқеаларидан бири, шубҳасиз, қора металлургия саноатини янги босқичга олиб чиқиш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлди. Негаки йиғилиш мавзуси долзарб, кўтарилган масалалар эътиборга молик. Қора металлургия темир, чуян, пўлат ва уларнинг қотишмаларини қазиб олиш, қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган оғир саноатнинг асосий тармоғидир. Қурилиш, машинасозлик, автомобилсозлик ва инфратузилма каби соҳалар учун бошланғич хомашё ва тайёр маҳсулотлар айнан шу тармоқ ривожига боғлиқ. Сўнгги йилларда мамлакатимизда қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўлами тобора ортиб бораётгани, машинасозлик ва автомобилсозлик саноати жадал тараққий этаётганини инобатга олсак, қора металлургия тармоғи аҳамиятини янада чуқурроқ англай бошлаймиз.

Биз 2030 йилда ялпи ички маҳсулотни 240 миллиард долларга етказишни мўлжаллаганимиз. Бунинг учун эса 8-9 фоизли ўсиш талаб этилади. Демак, қора металлургия, умуман, металлургия саноатига эътибор айлани зарурат.

Шу боис, йиғилишда тармоқда импортга боғлиқлик, таннарх ва энергия сарфи юқорилиги, рақамлаштириш ва сунъий интеллектни жорий қилиш борасидаги

ишларда камчиликлар борлиги кўрсатиб ўтилди. Бу жараён, айниқса, дунёда кузатилаётган зиддиятлар ёки ташвиш муаммолари мавжуд даврда жуда муҳим.

Қолаверса, сўнгги ўн йилда мамлакатимизда пўлат лист, навли прокат, қувурлар ва металл конструкцияларга эҳтиёж 3 қарра ортиб, 5,5 миллион тоннага етди. Янги қурилаётган атом электр станцияси, тўртинчи мис бойитиш фабрикаси ва янги мис эритиш заводининг ўзига 2,5 миллион тоннага яқин пўлат лист ҳамда арматура зарур.

Келгуси беш йил давомида 180 миллиард долларлик янги қувватлар ишга туширилади. 27 миллиард долларлик инфратузилма лойиҳалари амалга оширилиб, 800 минг хонадонли кўп қаватли уй-жойлар барпо этилади. Натижада металл маҳсулотларига йиллик эҳтиёж 2030 йилгача 1,5 баробар кўпайиб, 8 миллион тоннадан ошади. Булар, табиийки, мамлакатимизнинг йирик ишлаб чиқарувчиси — Бекобод металлургия комбинати жамоаси зиммасига катта масъулият юклайди. Замон билан ҳамқадам бўлишни, илғор технологияларни амалда қўллаш ишларини жадаллаштиришни тақозо этади.

Айни пайтда комбинатда металл прокатнинг 40 фоизи иккиламчи металл, 60 фоизи импорт ҳисобидан ишлаб чиқарилимоқда. Республикаимиз бўйича ҳар йили 700 минг тонна қора металллом комбинатга топширилаётган бўлса-да, яна 500 минг тоннаси хуфиёна айланмада қолмоқда.

Металлургия соҳасида 150 га яқин ўрта ва кичик хусусий корхона фаолият юритмоқда. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган тақлиф ва масалалар фақат ушбу тармоққа тегишли эмас. Улар мамлакатимиз келажаги, иқтисодийтимиз барқарорлиги, саноатимиз салоҳияти йўлидаги энг муҳим ва керакли ташаббуслардир. Масалан, қора металл айланмаси

металлургия корхоналари атрофида жами 100 миллион долларлик кооперация лойиҳалари дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Металлургия корхоналарида сунъий интеллект ва рақамлаштириш орқали ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини 20 фоиз ошириш, таннархни 10 фоиз, энергия сарфини 15 фоиз, техник хизмат харажати ва технологик узилишларни 20 фоиз қисқартириш бўйича дастур ишлаб чиқилади.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази металлургия саноатига “ақл маркази” сифатида белгиланди. Шунингдек, соҳага Навоий ва Олмалик комбинатларининг илмий марказлари, технологик металл комбинатининг Ўзбекистон — Корея илмий-технологик маркази, Тошкент давлат техника университети, Навоий қончиллик ва технологиялар университети, Олмалик техника институти ҳамда Москва пўлат ва қоришмалар институтининг Олмалик филиали бириктирилди. Улар бозорни ўрганади, лойиҳаларини йўналтиради, кадрлар эҳтиёжини таҳлил қилади. Бир сўз билан айтганда, саноатга илм уйғуллашади.

Янги ўқув йилидан Бекобод металлургия комбинатида қора металлургия бўйича кафедра очилиб, дуал таълим йўлга қўйилади. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар марказида шу соҳага тегишли муаммоларни бир жойга жамлайдиган рақамли платформа ишга туширилади. Илмий ишланмаларни молиялаштириш ва амалиётга жорий қилиш бўйича венчур фонд ташкил этилади.

Қисқаси, энди бу йўналишда ҳам ишлар янгича тус олиб, даврга мос лойиҳалар рўёбга чиқарилади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, соҳада “технологик сакраш” бўлади.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари ва ҳудудлар раҳбарлари ҳисоботлари ҳам тингланди.

Бекобод шахрига ташрифнинг навбатдаги манзили Дўстлик маҳалласи бўлди. Мамлакатимиз етакчиси ушбу маҳалла ва Хосёз канали бўйида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Бекободликлар яхши билади, илгари Хосёз каналининг бўйи қаровсиз, тартибсиз бир аҳволда эди. Кейинги йиллардаги ўзгаришлар, жойларда

ушбу объектлар сабаб 167 та янги доний иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда спорт билан шугулланаётган ёшлар билан суҳбатлашди.

Худуди 28 гектар бўлган Дўстлик маҳалласида ҳозир 33 та кўп қаватли уй, хусусий мактабгача таълим ташкилоти, футбол майдони, 16 та спорт ва болалар майдончаси ва кутубхона бор. Буларни бирма-бир таъкидлаётганимиздан муддао шуки, маҳаллада ёшларнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши учун барча шароит яратилган.

Тадбиркорларга эътибор сабаб жамиятимизда яратувчанлик руҳи билан яшаётганлар сафи кенгайиб бормоқда. Жумладан, жорий йилда тадбиркорларнинг 1,1 миллиард сўм инвестиция маблағи ҳисобидан 10 та хизмат кўрсатиш объекти, битта умумий овқатланиш шохобчаси очилди. Натижада 25 та янги иш ўрни яратилди. Қолаверса, ташаббускорлар маблағлари ҳисобидан “Ватанпарвар боғи” ҳам барпо қилинди. Унда ҳарбий техника намуналари жойлаштирилиб, хизмат кўрсатиш объектлари қурилди.

Маҳалла ҳудудида Бекобод шахри музейи ҳам ташкил этилган. Уни бунёд этишда “Ташаббусли бюджет” маблағлари ҳисобидан фойдаланилди. Яъни ушбу музей халқ овози, уларнинг бирдамликдаги ҳаракати эвазига вужудга келди.

Худди шундай ташаббуслар, эзгу ниятлар туғиладиган яна бир манзил нуронийлар учун яратилди. Маҳаллада нуронийлар ва меҳнат фахрийларининг ҳам олиши, учрашувлар ўтказиб, давра суҳбатлари қуриши, демакки, маънавий-маърифий тадбирлар учун ёғоч конструкцияли ёғи шийпон қад ростлади.

Президентимиз маҳаллада аҳоли учун яратилган шароитлар билан танишиди, маҳалла фаоллари ва меҳнат фахрийлари билан самимий мулоқот қилди.

— Барча ишларимиз, барпо этилаётган объектларимиз ва лойиҳаларимиз, аввало, аҳолига хизмат қилиши, инсонлар ҳаётини яхшилаши керак. Одамлар ўз маҳалласида, шахрида кечаётган ўзгаришларни ҳис қилиши, самарасини кундалик ҳаётида кўриши керак.

Ҳар сафар ҳудудларга келганимизда инсонлар янги Ўзбекистон ислохотлари

“Кейинги йилларда комбинатни модернизациялаш, ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича изчил ишлар бажарилди. Натижада комбинатнинг соф фойдаси 2017 йилдаги 14 миллион доллардан 2025 йилга келиб, 23 миллион долларга етди.



инфратузилмани яхшилашга қаратилган ислохотлар сабаб Хосёз канали бўйи энг гўзал гўшлардан бирига айланди.

Ушбу манзилни комплекс ривожлантириш учун мастер-режа доирасида пиёдалар учун 3 километр узунликда махсус йўлак ва 5,4 километр мустахкам тўсиқлар барпо этилди. Бундан ташқари, 2 та кўприк қурилди. Шу каби ишлар натижасида канал бўйи барча қулайликларга эга замонавий экологик ҳудудга айланди. Бу эса бекободликлар қувончига сабаб бўлмоқда. Негаки энди улар маҳалласидан унча узоқ бўлмаган жойда бемалол сайр қилиб, ҳордиқ чиқариши мумкин. Бунинг учун лойиҳа доирасида соҳил бўйида 27 та янги савдо ва замонавий хизмат кўрсатиш объекти очилган. Муҳими,

нафасини, унинг янгилиниш ва тараққиёт шабодасини ҳис этиши зарур. Бекобод шахри ҳам меҳнаткаш ва фидойи аҳолиси, иқтидорли ёшлари, ҳаёт тажрибасига эга нуронийлари билан янада обод ва тараққий этган масканга айланиши керак.

Биз ёшларимизнинг орзу интилишлари, нуронийларимизнинг эзгу ният ва мақсадлари рўёбга чиқиши учун барча имкониятларни сафарбар этамиз, — деди Президентимиз.

Шу билан Президентимизнинг Бекобод шахрига ташрифи якунланди.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари



Бекзод НАРИМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари
бўйича вакили (Омбудсман)
ўринбосари, юридик фанлар доктори

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизнинг мазкур гояларга асосланган ташқи сиёсати очқилик, ўзаро ишонч, тенг ҳуқуқли мулоқот, вазмин ва прагматик ҳамкорлик тамойилларига таянади.

Хусусан, 2017-2025 йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 11 та махсус резолюцияси қабул қилинди. Бу эса юртимизнинг халқро кун тартибиди шакллантиришда фаол иштирок этаётган, глобал муаммолар ечимига аниқ ва амалий тақлифлар бера оладиган давлат сифатидаги нуфузини яққол намоён этади.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси давлатлар манфаатларини уйғунлаштириш билан чекланмай, миллионлаб инсонларнинг кундалик ҳаётига ижобий таъсир кўрсатадиган инсонпарвар дипломатия моделини шакллантирди. Бу эса мамлакатимизни халқро ҳамжамиятнинг оддий иштирокчиси эмас, балки минтақавий ва глобал кун тартибиди белгилашда фаол ташаббускор давлат сифатида эътироф этилишига хизмат қилмоқда.

Буюк тараққиёт йўли эътирофи

Президентимиз давлат таърифи билан Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида қатор расмий тадбирларда иштирок этди. Ушбу мамлакатта таъриф сўнгги 23 йилда илк бор амалга оширилаётгани билан аҳамиятли бўлди.

Унда Шавкат Мирзиёевнинг Грузиянинг олий мукофотларидан бири — “Олтин мўйна” ордени билан тақдирланиши нафақат икки давлат муносабатлари тарихидаги муҳим воқеа, балки Ўзбекистоннинг кейинги йилларда халқро майдонда эришган юксак нуфузининг наватдаги амалий эътирофи сифатида баҳоланмоқда.

Мазкур юксак мукофот давлатимиз раҳбарига Ўзбекистон ва Грузия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Грузия Президенти Михаил Кавелашвили томонидан топширилди. Бу икки мамлакат ўртасида шаклланган ўзаро ишонч, стратегик шериклик ва самимий дўстликнинг рамзий ифодаси бўлди.

Халқро муносабатлар амалиётида давлат таърифлари доирасида музокаралар ўтказилиши, ҳукуматларо ҳужжатлар ва иқтисодий битимлар имзоланиши табиий ҳол. Аммо давлатнинг энг олий мукофоти билан тақдирланиш мутлақо бошқа мазмунга эга. Бу, энг аввало, мамлакат раҳбарининг шахсий фаолиятига, халқро сиёсатдаги ўрни ва нуфузига ҳамда икки давлат муносабатларини янги bosқичга олиб чиқишдаги хизматларига берилган юксак баҳодир. Шу маънода, “Олтин мўйна” ордени нафақат Президентимизга, балки янги Ўзбекистон сиёсати, мамлакатнинг танлаган тараққиёт йўлига ва халқро майдондаги конструктив позициясига берилган юксак ишонч белгисидир.

Орденнинг ўзи ҳам чуқур рамзий маънога эга. 1998 йилда таъсис этилган “Олтин мўйна” Грузия давлатчилигини ривожлантириш, мамлакат суверенитети ва худудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, халқро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳамда грузин маданияти, илм-фани ва санъатини тарғиб этишга қўшган алоҳида хизматлари учун берилди. Унинг номи қадимги юнон мифологиясидаги олтин мўйна ҳақидаги афсона ва тарихий Колхида ўлкаси билан bogлиқ бўлиб, халқро обрў ва шарафининг юксак рамзи ҳисобланади. Шунингдек, орден марказида жойлашган

олтин мўйна тасвири, қалқон ҳамда “LABOR PRO GEORGIA” (“Грузия фаровонлиги йўлидаги меҳнат”) шiori ҳам унинг юксак мақомга эга эканини англатади.

Турли йилларда ушбу орден билан Буюк Британия Қиролчаси Елизавета II, Иордания Подшоҳи Абдулла II, Германия Канцлери Герхард Шрёдер, Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев каби йирик давлат арбоблари тақдирлангани мукофотнинг халқро нуфузини янада яққол намоён этади. Энди улар қаторидан Ўзбекистон Президенти ҳам муносиб ўрин эгаллаши мамлакатимиз халқро нуфузи юксалаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистон ва Грузия ўртасидаги муносабатларининг бугунги ҳолати жиддий динамикага эгаллиги билан ажралиб туради. Ўтган йил якунларига кўра, икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 270 миллион АҚШ долларига етди, қўшма корхоналар ва инвестиция лойиҳалари сони изчил ортиб бормоқда. Мамлакатимизда Грузиянинг етакчи молия институтларидан бири — ТБС Банкнинг муваффақиятли фаолият юритиши иқтисодий ҳамкорлигининг янги bosқичга кўтарилганини англатади.

Бугун Тошкент шаҳри Тбилиси ва Батуми шаҳарлари ўртасида тўғридан тўғри авиақатновлар йўлга қўйилгани, жорий йил март ойида Тошкентда Грузия маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилгани халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишонч тобора мустаҳкамланиб бораётганининг амалий ифодасидир.

Шунингдек, Поти ва Батуми портлари имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали транспорт-логистика ҳамкорлигини кенгайтириш, савдо ҳажмини янада ошириш, фармацевтика, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, рақамли технологиялар ва туризм соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича улкан истиқболлар мавжуд. Бу эса Ўзбекистон ва



Грузия муносабатлари стратегик иқтисодий ва гуманитар шериклигининг янги bosқичига кўтарилаётганини кўрсатади.

Ушбу олий мукофот жорий йил Мустақиллигимизнинг 35 йиллигини нишонлаётган юртимизнинг танлаган тараққиёт йўли, тинчликпарвар ташаббуслари ҳамда халқро майдондаги тобора ортиб бораётган нуфузига билдирилган юксак ишонч ва ҳурматнинг ёрқин ифодасидир.

Марказий Осиё бирлигининг меъмори

Марказий Осиёнинг сўнгги йилларда шаклланаётган янги архитектураси тасодифий ҳодиса эмас. “Бирлашган — ўзар”, дейди донишманд халқимиз. Бу ҳикматга асосланган сиёсатимиз фақат миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билан чекланиб қолмай, балки минтақавий барқарорлиқни таъминлаш, давлатлар ўртасидаги умумий тараққиётга хизмат қиладиган янги мулоқот маданиятини шакллантиришга қаратилмоқда.

Натижада минтақамизда ўнлаб йиллар давомида йингилиб қолган кўплаб муаммолар конструктив мулоқот ва ўзаро ишонч асосида ҳал этила бошлади.

2017 йилга қадар Марказий Осиёнинг айрим давлатлари билан чегаралар ёпиқлиги туфайли азалдан қариндош-уруғ, қўда-анда бўлиб яшаб келган халқларнинг борди-келдиси ўн йиллаб узилиб қолганди, айрим чегара ҳудудлари эса

“Президент Шавкат Мирзиёев феномени Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳитни шакллантиришга хизмат қилган тинчликсевар ва очиқ ташқи сиёсатнинг самарадорлиги ҳамда унинг минтақада ўзаро ишонч ва стратегик шериклиқни қарор топтиришдаги етакчи роли Марказий Осиё давлатлари томонидан юксак эътироф этилганида намоёндр.



ҳатто миналаштирилганди. Бу эса нафақат давлатларро муносабатларга, балки оддий инсонларнинг кундалик ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатганди.

Қисқа вақт ичида Марказий Осиё мулоқотдан ҳақиқий шерикликка ўтиб, худудий масалалар тартибга солинди, чегаралар очилди, энергетика, транспорт ва савдо соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бугун Марказий Осиё тобора ҳамжихатлик ва барқарор тараққиёт маконига айланиб, институционал архитектура изчил кучаймоқда.

Ҳозир минтақа кун тартиби тубдан ўзгарди. Илгари асосий эътибор чегаралар, хавф-

муносабатларида янги давр бошлангани, ўзаро ишонч ва тарихий яқинликка таянган ҳамкорлик моделининг халқро эътирофи сифатида муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда эришилган келишувлар туфайли миллионлаб инсонлар ўзгаришларни ўз ҳаётида бевосита ҳис қилмоқда. Бу эса давлатларро муносабатларнинг асосий мезони сифатида инсон манфаати қарор топганини кўрсатади.

2024 йилда Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев томонидан Шавкат Мирзиёевга мамлакатнинг энг олий давлат мукофоти — “Олтин қирон” (“Олтин бургут”) ордени топширилди. У икки халқнинг кўп асрлик дўстлиги ва яхши қўшничилик аънаваларини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатларини стратегик шерикликдан иттифоқчилик даражасига олиб чиққан тарихий савй-ҳаракатларга берилган баҳодир.

Мазкур мукофотларнинг барчаси мазмун-моҳиятига кўра бир-бирини тўлдиради. Уларнинг замирида тинчлик, дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва стратегик шериклик фалсафаси мужассам.

Халқлар ўртасидаги ишонч кўприги

Президентимизнинг ташқи сиёсат фалсафасида давлатлар ўртасидаги муносабатлар, энг аввало, халқлар тақдири ва инсон манфаатлари билан ўлчанади. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг ҳар кунги фаолиятида давлатлар ва халқлар ўртасида ишонч кўприкларини барпо этиш, миллатларни ўзаро яқинлаштириш ҳамда тинч, хавфсиз ва фаровон келажақни таъминлашга қаратилган изчил савй-ҳаракатларни кузатиш мумкин. Янги сиёсий тафаккур замирида ваганга чексиз муҳаббат, халқ манфаатини ҳар қандай қарор ва ташаббуснинг бош мезонига айлантирган юксак давлатчилик масъулият мурассам.

Бугунги кунда дунёда ишонч инкирози, геосиёсий низолар ва хавфсизликка таҳдидлар қучайиб бораётган мураккаб шароитда ҳар бир расмий мулоқот, ҳар бир олий даражадаги учрашув ва ҳар бир эришилган келишувнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шу нуқта назардан қараганда, ташқи сиёсатимиз нафақат Ўзбекистон миллий манфаатларини таъминлашга, балки турли давлатлар ва халқлар ўртасида узоқ муддатли ишонч муҳитини шакллантиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Ташқи сиёсий мулоқот қадалган ниҳол кабирди. Унинг самараси вақт ўтиши билан савдо-иқтисодий алоқалар, инвестициялар, гуманитар ҳамкорлик, таълим, туризм, хавфсизлик орқали халқлар фаровонлигида намоён бўлади. Зеро, ҳақиқий дипломатиянинг қиймати имзоланган ҳужжатлар ёки ўтказилган расмий тадбирлар сони билан эмас, балки халқлар ўртасидаги ишонч қанчалик ошгани, барқарор тараққиёт учун қай даражада мустаҳкам замин яратгани ҳамда инсонлар ҳаётига қандай ижобий таъсир кўрсатгани билан баҳоланади.

Ўзбекистоннинг ана шундай ташқи сиёсати халқро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилмоқда. Жумладан, 2024 йилда Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган томонидан давлатимиз раҳбари Туркия Республикаси Ордени билан тақдирланди. Мазкур мукофот



икки мамлакат ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклиқни янги bosқичга кўтариш, халқлар ўртасидаги тарихий дўстлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматларнинг муносиб эътирофи бўлди.

2025 йилда Франция Президенти Эммануэль Макрон Президент Шавкат Мирзиёевни Франциянинг энг олий давлат мукофоти — Фахрий легион ордени билан тақдирлади. 1802 йилда Наполеон Бонапарт томонидан таъсис этилган орден Францияда давлат ва жамият олдидаги алоҳида хизматларнинг энг юксак эътирофи ҳисобланади. Мукофотнинг давлатимиз раҳбарига топширилиши икки мамлакат ўртасидаги стратегик ҳамкорлиқнинг янги bosқичга чиққанини, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашув тобора мустаҳкамлаётганини англатади.

Ўша йилнинг ўзида Президент Шавкат Мирзиёев Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлигининг олий давлат мукофоти — “Ан-Наҳда” (“Ренессанс”) орденига сазовор бўлди. Бу мукофот Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантириш йўлидаги самарали савй-ҳаракатларга берилган баҳо бўлди.

Мазкур мукофотлардан келиб чиқадиган умумий ҳулоса шуки, Президент Шавкат Мирзиёев дипломатияси бугун нафақат давлатлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамламоқда, балки халқлар ўртасида ишонч



кўприкларини барпо этаётган замонавий дипломатия мактаби сифатида ҳам халқро миқёсда тан олинмоқда.

Илм-фан, маданият ва спорт — чегара билмас дипломатия

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим устунларидан бири Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш гоёсидир. Ҳар қандай Ренессанс, энг аввало, илм-фан, таълим, маданият ва санъат юксалиши билан бошланган. Шу боис, сўнгги йилларда мамлакатимизда илм-фан ва таълим миллий тараққиётнинг асосий драйверларидан бири сифатида белгиланди.

Бунинг амалий натижаси ўлароқ, олий таълим муассасалари сони 2016 йилдаги 77 тадан 2025/2026 ўқув йили бошига келиб 215 тага етди, талабалар сони эса 1,5 миллиондан ошди. Шунингдек, 2025 йил якунларига кўра Ўзбекистоннинг 7 та олий таълим муассасаси QS World University Rankings, 4 таси Times Higher Education World University Rankings, 59 таси эса THE Impact Rankings халқаро рейтингларида киритилди. Бу кўрсаткичлар мамлакатимизни Марказий Осиё ва Кавказ минтақасида мазкур рейтинглар бўйича етакчи давлатлардан бирига айлантириб, Ўзбекистонда инсон капиталига сармоя киритиш, илм-фан ва таълимни давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ривожлантириш амалий самараларини бераётганини яққол намоён этмоқда.

Ўзбекистонда инсон капитали, интеллектуал салоҳият, соғлом турмуш тарзи ва маънавий тараққиётни давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантириш борасидаги кенг қўламли ислохотлар муносиб эътироф этилмоқда.

Хусусан, 2019 йилда Япониянинг нуфузли Нагоя университети давлатимиз раҳбарига **фахрий доктор** унвонини берди. Мазкур юксак академик эътироф мамлакатимизда инновациялар ва халқро академик ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатида берилган муносиб баҳо сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Маданият ва маънавият соҳасида ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг туркий цивилизациянинг бой меросини асраб-авайлаш, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда умумий қадриятларни тарғиб этишга қаратилган ташаббуслари халқро миқёсда эътироф этилди. 2020 йилда у Туркий дунё ёзувчилари, зиёлилари ва санъаткорлари жамғармаси (TURKSAV) таъсис этган “Туркий дунё тикланишига қўшган улкан ҳиссаси учун” халқро мукофотида сазовор бўлди.

Президентимиз Туркий давлатлар ташкилоти томонидан туркий халқлар бирлигини мустаҳкамлаш, туркий давлатларнинг умумий манфаатлари ва қарашларини халқро майдонда фаол илгари суришга қўшган улкан ҳиссаси учун “Туркий дунёнинг олий ордени” билан тақдирланди. Бу юксак мукофот Ўзбекистоннинг туркий халқлар интеграциясида етакчи ролининг халқро эътирофи бўлди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон спорт соҳасида қатор тарихий ютуқларга эришди. Ўзбекистонлик гроссмейстерлар томонидан шахмат бўйича кўлга кiritилаётган улкан ютуқлар, “Париж-2024” Олимпия ўйинларида мамлакатимиз ўз тарихидаги энг юқори натижалардан бирини қайд этгани, миллий футбол терма жамоаси эса илк бор жаҳон чемпионатида чиққани шулар жумласидан.

Жорий йилда Жаҳон таэквондо федерацияси президенти Чо Чунг Вон Ўзбекистонда спортни жадал ривожлантириш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, замонавий спорт инфратузилмасини барпо этиш борасидаги ислохотларни юксак баҳолаб, Шавкат Мирзиёевга федерациянинг энг олий шахсий мукофоти — **Шон-шараф ордени**ни топшир-



ди. Орденнинг тарихда илк бор давлатимиз раҳбарига тақдим этилгани мамлакатимизда спорт соҳасидаги кенг қўламли ислохотлар ва ёшлар сиёсати халқро миқёсда муносиб эътироф этилганининг ёрқин далили бўлди.

Хулоса

Бу каби ҳар бир эътироф Ўзбекистоннинг халқро ҳамжамиятидаги ўрни, юксалиб бораётган ишонч ва ҳурмат, Президентимизнинг тинимсиз амалий ҳаракатлари ва узоқни кўзалган сиёсатининг ёрқин ифодаси сифатида қабул қилиниши лозим. Бугун Ўзбекистон кўплаб давлатлар учун ишончли ҳамкор, масъулиятли мулоқот иштирокчиси ва тинчликпарвар ташқи сиёсат юрифтаган мамлакат сифатида танлимоқда, тан олинмоқда.



Бундан бир неча йил олдин мен етти фарзандини — тўрт ўғил ва уч қизини ёлғиз тарбиялаётган, ижара пулини тўлай олмагани учун бошпанасиз қолган, чорасизликдан “Темир дафтар”га киритилган, ҳаётнинг энг оғир синовларига рўбарў келган оддий аёл эдим. Эртанги куним ҳақида ўйласам, юрагимни хавотир ва кўрқув чулғаб оларди. Қўлимда сармоя ҳам, ортимда суянадиган таянч ҳам йўқ эди. Ўша пайтларда моддий ёрдам умидида маҳалла идорасига мурожаат қилдим. Бироқ турли сабаблар билан рад жавобини олдим. Тан оламан, ўша кунни аламдан йиғлаганман, кўнглим қаттиқ оғриган эди...



Комила ЖҲРАЕВА,
“Зарбдор зирачаси” гул
кўчатларини етиштириш томорқа
хизмати” МЧЖ раҳбари

Бугун эса ўша воқеаларни бутунлай бошқача ҳис-туйғулар билан эслайман. Аввало, Яратганга беҳисоб шукр қиламан, қолаверса, ўша пайтда мени рад этган масъулларни ҳам дуо қиламан. Негаки агар ўшанда менга моддий ёрдам ёки нафақа тайинланганида, эҳтимол, ўша маблагни бир ойдан иккинчи ойга етказиш таъйини билан яшашда давом этардим. Балки ўз кучимга ишончим ҳам, тадбиркорликка интилишим ҳам бу даражада шаклланмасди. Ҳаётнинг қаттиқ синовлари менда меҳнат қилиш, курашиш ва тақдирини ўзгариштириш бўлган муштаҳам иродани тарбиялади.

Ҳаётимнинг оғир кунларида туман ободонлаштириш бўлими тасарруфидagi қаровсиз, ташландик ер майдонини топдим. Болаларим билан шу ерда кичик бир чайла қуриб, яшай бошладик. Ана шу пайтда

инсонни тушқунликдан фақат ҳалол меҳнатгина қутқара олишини яна бир бор англадим. Қўшнилardan челақаб сув ташиб, ташландик ва қуруқ ерни аста-секин яшилликка буркадик. Хар бир ниҳол, хар бир гул ортида фарзандларимнинг меҳнати, сабри ва орзулари мужассам эди. Машаққатли меҳнатимиз аста-секин самара бера бошладди. Бу интилишимиз туман раҳбарларининг ҳам эътиборини тортиди. Улар мендан эҳтиёжим нимада эканини сўраганида уй-жой эмас, иссиқхона қуриш учун ер ва имтиёзли кредит ажратишларини илтимос қилдим.

Давлатимиз томонидан ажратилган 10 миллион сўм имтиёзли кредит орзу ва мақсадларимизни амалга ошириш йўлида янги босқични бошлаб берди. Болаларим билан кечаю кундуз меҳнат қилдик. Гулчиликдан бошланган кичик фаолиятимиз йиллар давомида изчил ривожланиб, бугунги кунда қўп тармоқли корхонага айланди. Айни пайтда фаолиятимиз фақат гулчилик билан чекланмайди, кўчатчилик, боғдорчилик, паррандачилик, чорвачилик ҳамда биогулмус ишлаб чиқариш йўналишларини ҳам муваффақиятли йўлга қўйганмиз.

Меҳнатларимиз ўз самарасини берди. Бугун ўз уй-жойим, замонавий автомобилларим бор. Корхонамизда 35 маҳалладошимиз доимий иш ўрнига эга. Мавсумда эса 50 нафар-гача юртдошимиз биз билан бирга меҳнат қилиб, оиласи фаровонлиги учун муносиб даромад топишти.

Аҳоли меҳнатимизга юксак баҳо бериб, оғир машаққатлар ичида шаклланган корхонамизни меҳр билан “Зарбдор зирачаси” деб аташ бошладим. Бу ном биз учун хар қандай мукофотдан ҳам қадрли. Корхонамизнинг расмий номини ҳам шундай атадик.

Мен бугун нафақат рўзгоримни тикладим, балки ўз вақтида менга кўрсатилган ишонч ва ижтимоий кўмакка жавоб сифатида бошқа аёлларга ёрдам қўлини узатишни бурчим деб билдим. Шу мақсадда “Аёллар дафтари”га киритилган, тақдир кечмишимга ўхшаш, аммо гулчиликка қизиқишни бўлган юзлаб хотин-қизларга билим ва тажрибамни беминнат ўргатишга киришдим. Жиззах ва Сирдарё вилоятларидан 500 дан зиёд хотин-қиз гулчилик ва иссиқхона ҳўжалигини юритиш бўйича амалий билим олди. Биз машгулотларни фақат назарий тушунчалар билан чекламадик. Ишни қандай бошлаш, кўчат етиштириш, иссиқхона парвариши, маҳсулотни бозорга олиб чиқиш каби барча босқичларни амалда кўрсатдик. Импония-ти чекланганларга уруғ, елимхалталар ва бошқа зарур хомашёлар етказиб берилди. Етиштирилган маҳсулотларни сотишда ҳам амалий ёрдам кўрсатдик. Бугун уларнинг кўпчилиги ўз меҳнати билан даромад топомқда, оиласининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаб, мустақил тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган. Айниқса, туманимизда ўндан зиёд шогирдларим мустақил фаолиятини бошлаб, оиласи фаровонлиги йўлида ҳалол меҳнат қилаётгани қалбимга алоҳида фахр бағишлайди. Уларнинг хар бир муваффақиятида тўкилган пешона теримнинг ширин самарасини кўраман.

Меҳнатимиз ва эришган натижаларимиз давлатимиз раҳбари томонидан ҳам муносиб эътироф этилди. Ўтган йили “Фаол тадбиркор” кўрак нишонин билан тақдирланганим унутилмас воқеага айланди. Бу қувончини мен билан бирга етти

фарзандим, меҳрибон онам ва йиллар давомида ёнма-ён меҳнат қилган жамоам ҳам бирдек ҳис қилди. Мукофотни қабул

Бу меҳнатнинг қадрланганидан, орзуларининг ушалганидан, фарзандларимнинг пешонаси ёруғ бўлганидан, энг муҳими,



қилиш маросимида Президентимиз имзоси қўйилган гувоҳнома ва кўрак нишонини қўлимга олганимда, кўз олдимдан бутун ҳаётим кинотасмадек ўта бошладим. Болаларим билан ташландик ерда қурган кичик чайламиз, қўшнилardan челақаб сув ташиб яшнатган гулларимиз, иссиқхонада ўтказган совуқ қишлар, уйқусиз кечалар, қийинчиликлар ва машаққатларга тўла йиллар бирма-бир ёдимга тушди. Ўша лаҳзада кўзларимга ёш келди. Мен йиғладим. Лекин бу сафар аламдан эмас...

Яратганининг марҳамати ва давлатимизда инсон меҳнатида берилаётган юксак эътибордан тутилган шукроналик ёшлари эди.

Мукофотни эса фақат менга эмас, балки ҳаёт синовларига таслим бўлмай, ўз тақдирини ўзгариштириш учун меҳнат қилаётган минглаб хотин-қизларимизга берилган юксак ишонч тимсоли деб биламан. Чунки яхши биламан, оғир вазиятга тушиб қолиш инсоннинг айби эмас, аммо ундан чиқиш учун ҳаракат қилиш хар кимнинг ўз қўлида. Бугун ҳаёт синовлари қаршисида йккилиноб

Бугун глобал экологик кун тартиби нафақат халқаро ҳамкорлиқнинг алоҳида йўналиши, балки жаҳон сиёсати ва барқарор ривожланишининг асосий ўлчовларида бири сифатида шаклланмоқда. Бинобарин, экология фақат табиат ҳақидаги мулоҳаза эмас, бу ҳаёт сифати, инсон саломатлиги, хавфсизлиги ва келажақда фарзандларимиз яшайдиган сайёрамиз тақдирини ҳақидаги энг муҳим масаладир.

Шу боис, бугун экологик кун тартиби борасидаги баландларов сўзларни айтаятган эмас, аниқ ва амалий лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этаётган мамлакатлар табиат муҳофазасида пешқадамлик қилмоқда. Иқлим ўзгаришини кучайиб бораётган, табиий ресурслар танқислиги тобора сезилаётган шароитда давлатларнинг стратегик ечимлар тақлиф қила олиши ва самарали ҳамкорлик моделларини йўлга қўя библиши уларнинг халқаро майдондаги ҳақиқий ўрнини белгилаб бермоқда.

Бу борада Ўзбекистоннинг роли тобора яққол намоён бўляпти. Буни мазкур йўналишда пухта ишлаб чиқилган амалий стратегия тақлиф этилаётганида ҳам кўриш мумкин. Соҳа мутахассислари эътироф этаётганидек, мамлакат ташаббускорлик, прагматизм ва халқаро кооперацияга асосланган минтақавий ҳамда глобал етакчилик моделини илгари сурмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси сессияларидаги нутқларида уруғ нафақат маҳаллий муаммолар, балки сув хавфсизлиги, ер деградацияси ва иқлим ўзгаришлари оқибатлари бўйича жамоавий масъулият зарурлигига қаратилмоқда. Марказий Осиё экологик кун тартиби ягона, ўзаро боғлиқ ҳудуд сифатида илгари сурилмоқда.

Бугун иқлим ўзгариши, сув танқислиги, ерларнинг таназулгача учраши ва чўлланиш бутун минтақа учун долзарб экологик муаммога айланмоқда. Бу эса қишлоқ ҳўжалиги барқарорлиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, аҳоли саломатлиги ва ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Орол денгизининг қуриши, тез-тез юз берадиган чанг ва кум бўронлари, шаҳарда ҳаво ифлосланиши, сув ресурслари танқислиги, ер чўлланиши-ю, йўқолиб бораётган биологик хилма-хиллик, қишлоқ ҳўжалигида кимёвий моддалардан ортиқча фойдаланиш, буларнинг барчаси ўн йиллаб давомида тўпланиб келган ва ечим комплекс ёндашувини талаб қиларди. Шундан келиб чиқиб, кейинги йилларда экологик масала глобал мулоқот даражасига олиб чиқилди. Давлатимиз раҳбари бу йўналишни нафақат мамлакат ичида, балки энг юқори халқаро минбарларда ҳам кўтариб, унга жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратишга эришди.

Мамлакатимиз ҳудудининг қарийб 80 фоизи чўл ва ярим чўл майдонларидан иборат. Ер шўрланиши, кум кўчиши, чанг бўронлари

Долзарб мавзу

Мусаффо ҳаво, зилол сув ва ям-яшил дарахтлар — буларнинг барчаси кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисми. Афсуски, бу бебаҳо бойлиқнинг қадрини уларни йўқота бошлаганимиздан кейингина англаймиз.

Чўл — янги иқтисодий имкониятлар манбаи

УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДИН СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

ва гармсел Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятлари, шунингдек, Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларининг айрим туманларида жиддий хавф туғдирмоқда.

Орол денгизининг қуриши мазкур қураёни янада кучайтирган. Денгизнинг қуриган тубида Оролқум чўли шаклланиб, ҳавога кўтарилаётган туз ва чанг кенг ҳудудларга тарқалмоқда. Шу боис, Оролбўйида яшил қопламалар барпо этиш, саксовул ва бошқа чўл ўсимликлари екиш изчил давом эттирилмоқда. Кейинги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектардан ортиқ янги ўрмонзор барпо этилди.

“Яшил макон” умумийлиги лойиҳаси доирасида ҳам кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Мамлакат бўйлаб 1 миллиарддан зиёд дарахт ва бутта кўчати экилди, қўламазорлаштириш даражаси 2020 йилдаги 8 фоиздан 2025 йилда 14,3 фоизга етди. Шунингдек, 2026-2030 йилларда чўлланишга қарши курашиш мақсадида 1,27 миллион гектарда ўрмон барпо этиш ва қайта тиклаш, чўл, тоғ ва тоғолди ҳудудларда 16 минг гектар қимёо ўрмонзори яратиб режаулаштирилган.

Иқлим шароити оғир ҳудудларда ҳаётнинг энг қийин синовларини енгиб ўттишга тўғри келади. Чунки табиатнинг ўз қонунлари бор. Саҳролар — қум барханларига яқин-яқингача самарасиз кенгликлар сифатида қаралган. Бугун эса чўл ҳақидаги тасаввур тубдан ўзгармоқда. Чўлланишга қарши



кураш нафақат экологик зарурат, балки янги иқтисодий тафаккурнинг муҳим йўналишига айланыпти.

Бу қумлиқлар энди табиат белгиланган чегара эмас, балки тараққиёт учун янги имкониятдир. Барпо этилаётган хар бир яшил майдон нафақат табиатни асрашга, балки мамлакат келажагига киритилаётган муҳим сармоядир.

Жорий йил 6 июль кунини чўлланишга қарши курашиш ва чўл иқтисодиётини ривожлантириш, шунингдек, шаҳарларда “яшил шаҳар” тамойилларини жорий этиш юзасидан Президентимизга тақдим этилган ахборотда “чўл иқтисодиёти” ёндашувини ривожлантириш, қўриқ ва шўрланган ерларда барқарор даромад манбаларини яратиш, чўл ўсимликлари уруғчилиги ва кўчатчилигини

йўлга қўйиш, галлофит ўсимликлар етиштириш, яйловлар маҳсулдорлигини ошириш, чорвачилик, экологик туризм ва илмий тадқиқотларни кенгайтириш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Қорақалпоғистонда чўл ўсимликлари кўчати, яйловлар маҳсулдорлигини ошириш, чорвачилик, экологик туризм ва илмий тадқиқотларни кенгайтириш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Қуруқчиликка чидамли ўсимликлар ва уруғлар бўйича минтақавий банк яратиш, халқаро фондлар ва хусусий инвестицияларни жалб этиш масалалари муҳокама қилинди. Чўлланиш ва ер деградацияси чегара билмайдиган муаммо. Шу боис, унга қарши курашишда ягона минтақавий ёндашув, илмий ҳамкорлик, маълумот алмашиш ва технологиялар трансфери муҳим.

Фаол экологик сиёсат мамлакатнинг халқаро майдонда масъулияти ва замонавий давлат сифатида нуфузини ошириб, инвестицияларни жалб қилмоқда ҳамда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш учун имкониятлар яратяпти.

Шу маънода, чўлланишга қарши курашиш ва чўл иқтисодиётини ривожлантириш бўйича Марказий Осиё минтақавий илмий-тадқиқот маркази фаолиятини кенгайтириш, “Яшил қалқон” минтақавий дастури доирасида амалий лойиҳаларни

турган хар бир аёлга бундай дегим келади: “Ҳеч қачон умидини ва ўзинигизга ишончини йўқотманг. Ёшдан қатъи назар, инсон истаса, ҳаётини янгидан бошлаши, тақдирини меҳнати билан ўзгариштириш мумкин. Бунинг учун, энг аввало, интилиш, сабр ва ҳаракат зарур. Хар қандай қийинчилик ортида янги имконият яширинган бўлади. Агар одам ўз кучига ишонса, меҳнатдан қочмаса ва эзгу мақсадида қайтмаса, албатта, орзуларига етади. Мен бунинг тирик, ҳаётий исботиман”.

Бу натижаларга фақат меҳнатим ва ирода билан эришдим дейишдан йироқман. Ютуқларим, аввало, мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган изчил давлат сиёсати, яратилаётган кенг имкониятларнинг амалий самараси. Энг муҳими, кейинги йилларда юртимизда ҳаётимизнинг бош мезонига айланган “Инсон қадри учун” тамойили амалда ўз ифодасини топомқда. Буни ҳаётим мисолида ҳам яққол ҳис этдим. Бир пайтлар инсонлар давлат идораларига ўз муаммосини айтиш учун қатнаб, турли эшикларни тақилатишга мажбур бўлган бўлса, бугун аҳоли муаммоларини ўз вақтида ўрганиш ва уларни манзилли ҳал этишга қаратилган бутунлай янги, инсонпарвар тизим шаклланди. Бир вақтлар “Темир дафтар”да рўйхатда турган, турмушининг оғир синовларини бошидан кечирган оддий бир аёлнинг бугун меҳнати орқали давлат эътирофига сазовор бўлиши инсон қадрини улуғлаш гоёси ҳаётда қандай қарор топаётганининг ёрқин ифодасидир. Айниқса, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, билим олиши, касб эгаллаши ва тадбиркорлик билан шугулланиши учун яратилаётган шароитлар қўллаб оилалар ҳаётига қут-барака олиб кирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан мунтазам мулоқот қилиб, тақлиф ва муаммоларини бевосита тинглаётгани ҳамда уларнинг ечим юзасидан аниқ вазифалар белгилаб бораётгани биз каби тадбиркорларнинг эртанги кунга ишончини янада муштаҳамламоқда. Кейинги йилларда солиқ юки енгиллаштирилиши, молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтириш, лицензия ва рухсат бериш тартиблари соддалаштирилиши, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш борасидаги ислохотлар тадбиркорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар эшигини очди.

Ўтган йили Президентимиз тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқотда шахсан иштирок этиш мен учун унутилмас воқеа бўлди. Бу учрашув бизга катта руҳий куч бағишлабгина қолмай, балки билдирилган юксак ишончини муносиб оқлаш масъулиятини ҳам янада чуқурроқ ҳис эттирди.

Шундан сўнг мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, фаолиятини кенгайтириш, янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, айниқса, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигини таъминлаш йўлида янада фаол ишлашга бел боғладим. Ўтган қарийб бир йил давомида бу борада муайян натижаларга эришдик. Энг муҳими, меҳнатимиз орқали юртимиз тараққиётга оз бўлса-да муносиб ҳисса қўшаётганими ҳис қилиш менга янги марралар сари интилиш учун янада катта куч ва ишонч бағишлайди.

қўпайтириш, 2040 йилгача чўлланишга қарши курашиш стратегиясини ишлаб чиқиш борасида тақдиротда илгари сурилган ташаббуслар муҳим аҳамиятга эга.

Эндилкида саноат объектларининг экологик таъсирини камайтириш учун “яшил саноат зонаси” ҳудудида энг маъбул технологиялар, “Zero Visible Emission” ва рақамли экологик мониторинг тизимлари босқичма-босқич жорий этилади. Мавжуд саноат зоналари атрофида “яшил белбоғ”лар ташкил этилади ҳамда аҳоли соғлиғига жиддий хавф туғдириши мумкин бўлган I ва II тоифага мансуб 8 та саноат корхонасини шаҳар ҳудудидан ташқарига кўчириш чоралари кўрилади.

Яна бир устувор вазифа миллионлаб инсонлар яшайдиган шаҳар муҳитини янада қўлай ва фаровон қилишдир. Шу боис, бугун “яшил шаҳар” тамойиллари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шаҳар энди фақат боғлар ва хиёобонлар дегани эмас, бу тоза ҳаво, хавфсиз ва замонавий экотехнологиялар, энергиятежамкор бинолар, қўлай жамоат транспорти ҳамда пухта режаулаштирилган яхлит ҳудуддир.

Ана шундай ёндашув шаҳарларни янада кўркем, иқтисодий самарадорлиги биланл ва эртанги кун учун рақобатбардош маконга айлантиради. Айни мақсадда шаҳарлар экологик барқарорлигини таъминлаш бўйича “Green Samarkand” модели қўйилди.

Мазкур модел доирасида 2030 йилга қадар Самарқанд шаҳрида аниқ экологик кўрсаткичларга эришиш белгиланган. Жумладан, атмосферага чиқарилиши мумкин бўлган 51,2 минг тонна зарарли ташламаларнинг олдини олиш, саноат ва энергетика объектларида чанг-газ тозалаш ускуналарини ўрнатиш орқали зарарли зарраларини 50 фоиз, қурилиш объектларидан чиқадиган чанг микдорини 80 фоиз, транспорт воситаларидан чиқадиган ифлослантирувчи моддалар ҳажминини 50 фоиз қисқартириш, чиқинди полигонлари ҳажминини 2 баробар камайтириш ҳамда аҳоли яшаш пунктларида яшил ҳудудлар улушини ўртача 30 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Самарқанд шаҳрида махсус экологик-шаҳарсозлик режими жорий этилиб, янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган объектлар учун “яшил қурилиш” талаблари мажбурий этиб белгиланади. Бунда энергия ва сув тежамкор технологиялар қўллаш, чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш тизимларини жорий этиш, ресурс самарадорлигини ошириш ҳамда экологик талабларга жавоб бермайдиган объектларни фойдаланишга қабул қилмаслик амалиёти йўлга қўйилади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Тараққиётнинг мустахкам асоси билим ва тафаккур бўлса, жамият барқарорлигининг энг муҳим шарти тинчлик ва хавфсизликдир. Аслида, бу икки омил бир-бирини тўлдиради ва кучайтиради. Зеро, хавфсиз ва барқарор муҳит мавжуд жойда инсоннинг интеллектуал салоҳияти тўлиқ намоён бўлади, меҳнат самарадорлиги ортиб, келажакка ишонч мустаҳкамланади. Бундай шароитда фуқаролар ўз имкониятини эркин рўёбга чиқаради, ёш авлод эса ватанпарварлик ва масъулият руҳида камол топади.



Насиба ТУРҒУНОВА,
ИИВ академияси бошлигининг
илмий ишлар ва инновациялар
бўйича ўринбосари, сиёсий
фанлар доктори, профессор

Мамлакатимизда сўнгги йиллардаги ислохотлар хавфсизликка нисбатан мутлақо янги ёндашувни шакллантирмоқда. Энди мазкур тушунча фақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ёки жамоат тартибini таъминлаш билан чекланмайди. У аҳолининг давлат институтларига ишончи, маҳаллалардаги барқарор ижтимоий муҳит, тадбиркорлик фаолияти учун яратилган имкониятлар ва ёшлар тарбияси билан узвий боғлиқ комплекс тизим сифатида намоён бўлмоқда.

Ҳуқуқ-тартибот тизимидаги ислохотлар бутун янги мазмун касб этмоқда. Ички ишлар органлари фаолиятида халққа яқинлик, тежорлик, очиқ мулоқот, билим ва замонавий тафаккур устувор мезонга айланипти. Бу жараёнда ҳар бир ҳодимнинг касбий салоҳияти, ҳар бир қарорнинг илмий асоси, ҳар бир профилактик чоранинг амалий самараси муҳим аҳамиятга эга. Зеро, хавфсиз муҳит ўз-ўзиндан шаклланмайди: у пухта билим, масъулият, ҳаётий тажриба, халқ билан самимий мулоқот ва замонавий ёндашувлар уйғунлигида қарор топади.

Ҳуқуқ-тартибот органлари олдида қўйилаётган талаблар замирида ҳам айнан шу маъно муҳасам. Бугун тизимдан фақат жиноятни фош этиш эмас, балки жиноятга олиб келадиган сабабларни барвақт кўриш, хавф омилларини олдиндан англаш, фуқаро муаммосига бефарқ бўлмазлик ва ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турганини ҳис этиш талаб қилинмоқда. Бу талаблар ички ишлар органларининг халқчил қиёфаси янги янада мустаҳкамлаб, уни жамият ҳаётига яқин, фуқаро манфаатига йўналтирилган, ишончли ва замонавий институт сифатида ривожлантиришга замин яратмоқда.

Бугунги жиноятчиликни кечаги тасаввур билан тушуниб бўлмайди. Чунки у фақат кўчадаги тартибсизлик, ўғирлик ёки безорилик кўринишида эмас, интернет тармоғида, телефон кўнгиноқларида, сохта электрон ҳаволаларда, ноқонуний молиявий айланимларда, ёшлар онгига таъсир қилаётган хавфли ахборот оқимларида ҳам намоён бўлмоқда.

Айрим ҳолларда фуқаро уйдан чиқмаган ҳолда фирибгар қурбонига айланади. Баъзан ёшлар кўзга кўринмас рақамли муҳитда салбий таъсирларга дуч келади. Шу боис, ҳуқуқ-тартибот органи ҳодими бутун фақат қонуни билган ижрочи эмас, балки таҳлил қила оладиган, рақамли технологиялардан хабардор, одамлар билан ишлаш маданиятига эга, вазиятни олдиндан баҳолайдиган профессионал мутахассис бўлиши шарт.

Мамлакатимиз етакчисининг “Ҳар қандай ҳуқуқбузарлиқнинг олдини олишда асосий бўгин — маҳалла профилактикаси”,

қаратилган тизимли меҳнат турибди. Энг муҳими, ушбу натижа жиноятчиликка қарши қурашда оқибат билан эмас, сабаб билан ишлаш нақадар тўғри йўл эканини кўрсатмоқда.

ислохотлар самарасини ошираётган муҳим механизмга айланмоқда.

Ислохотларнинг янги мазмуни шундаки, профилактика ишлари умумий тад-

илм, таҳлил, ҳаётий кузатув билан аниқлаш мумкин. Шундагина илмий хулоса ҳаётий ечимга, тавсиялар эса маҳалла ҳаётида сезилмаган амалий ўзгаришларга айланади.

АСОСИЙ МАҚСАД — ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЙДИГАН ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШ

Президентимизнинг 2026 йил 5 январдаги маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, жиноятчиликнинг барвақт профилактикаси самарадорлигини янада оширишга доир иккита қарори ана шу ислохотларнинг мантикий давоми бўлди. Бу ҳужжатлар моҳиятида маҳалладаги ҳар бир муаммони ўз вақтида кўриш, ҳуқуқбузарликка олиб келаётган омилларни бартараф этиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда масъул идоралар ҳамкорлигини кучайтириш каби ҳаётий мақсадлар мурасам.

Ислохотлар маҳалла тизимига янгича мазмун бермоқда. Энди маҳалла фақат аҳоли яшайдиган ҳудуд эмас, балки жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, ижтимоий муаммоларни вақтида аниқлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим бўгини сифатида қаралмоқда. Мазкур ёндашув масъул идораларни муаммони оқибат босқичида эмас, уни келтириб чиқараётган сабаблар пайдо бўлаётган пайтдаёқ кўришга йўналтирмоқда. Шу жиҳатдан маҳаллабай ишлаш тизими ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги



бирлар доирасидан чиқиб, ҳар бир маҳалланинг реал ҳолати, ижтимоий муҳити ва хавф омилларини чуқур ўрганишга асосланмоқда. Бу эса профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, маҳалла раиси ва бошқа масъулларни бир мақсад — жиноятга олиб борувчи сабабларни барвақт бартараф этиш йўлида ҳамкорликда ишлашга қорлайди. Чунки хавфсиз муҳит фақат назорат билан эмас, одамлар билан яқин мулоқот қилиш, ижтимоий хавфни вақтида баҳолаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва аниқ натижага қаратилган чораларни амалга ошириш орқали таъминланади.

Бу жараёнда “илмий хулоса — тавсия — натижа” тамойили алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар бир маҳалла ҳақида таҳмин эмас, аниқ хулоса бўлиши керак. Қайси ҳудудда оилавий низолар хавфи юқори, қаерда ёшлар назоратсиз қолмоқда, қайси маҳаллада мулкий жиноятларнинг сабаби ишсизлик ёки қарздорлик билан боғлиқ, қайси профилактик тадбир амалда самара бермоқда — буларни ҳиссиёт билан эмас,

Бугун ички ишлар органлари фаолиятини илм-фан, таҳлилий ёндашув ва замонавий билимларсиз тасаввур этиш қийин. Жиноятчилик сабабларини аниқлаш, кримноген вазиятни тўғри баҳолаш, маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш, кибержиноятчилик ва янги турдаги таҳдидларга қарши самарали курашчи чуқур илмий таҳлилни талаб этади. Ҳуқуқ-тартибот соҳасида қабул қилинаётган ҳар бир қарор, амалга оширилаётган ҳар бир профилактик чора ва тайёрланаётган ҳар бир кадр замирида пухта билим, аниқ маълумот ва ҳаётий тажриба уйғунлиги бўлиши зарур. Шу боис, ички ишлар органлари учун профессионал кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишларини амалиёт билан боғлаш масаласи бугунги ислохотларнинг долзарб йўналишларидан бирига айланмоқда.

Бу борада Президентимизнинг янги авлод илмий кадрларини тайёрлашга доир шу йил 26 майдаги фармони алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжатни фақат докторантура ёки илмий даража бериш тартибини янгилаш билан чеклаб тушуниш тўғри бўлмайди. Унинг замирида илм-фанны ҳаётга

“АҚЛ МАРКАЗЛАРИ” ОРҚАЛИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ САРИ

Камолот пиллапоysi

Президентимизнинг мамлакатимиз ёшлари билан ўтказган очиқ мулоқоти янги Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги муҳим стратегик босқичини белгилаб берди. Унда илгари сурилган ҳар бир ташаббус ёшларни қўллаб-қувватлашнинг навбатдаги босқичи бўлибгина қолмай, мамлакат иқтисодиётини инсон капитали, инновация ва билимлар иқтисодиёти асосида ривожлантиришнинг аниқ дастури сифатида намоён бўлди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Бугунги куннинг муваффақият формуласи, эртанги тараққиётнинг мустахкам замини учта энг муҳим устунга таянади. Бу — билим, касб ва технология”. Ушбу го янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг туб моҳиятини, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотларнинг концептуал асосини ўзида муҳасам этган.

Бугун глобал иқтисодиётда устуниликка эришиш, биринчи навбатда, билимли ва ташаббускор инсонларга сармоя киритиш, илмий голярига амалий натижага айлантириш, замонавий технологияларни иқтисодиёт тармоқларига кенг жорий этиш билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, Банк-молия академиясининг ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича мамлакатнинг “ақл маркази” сифатида белгиланиши давлатимиз раҳбарининг академияга бўлган юксак ишончи, унинг илмий-интеллектуал салоҳияти ва стратегик аҳамиятининг юксак эътирофи ҳисобланади.

Бу эътироф мазкур академия зиммасига таълим бериш билан бир қаторда мамлака-

тимиз иқтисодий тараққиётга хизмат қиладиган янги интеллектуал платформани шакллантиришдек масъулиятни вазифани ҳам юклайди. Эндиликда унинг фаолияти анъанавий ўқув жараёни доирасидан чиқиб, ҳудудларда ёшлар ва тадбиркорлар билан бевосита ишлайдиган, уларнинг ташаббус ва эҳтиёжларини ўрганадиган, иқтисодий таҳлиллар ўтказадиган, истиқболли бизнес голяларини аниқлаб, уларни иқтисодий жиҳатдан пухта асосланган инвестиция лойиҳаларига айлантирадиган илмий-амалий марказ сифатида янги босқичга кўтарилади.

Бу орқали академия мамлакатимиз ҳудудларининг иқтисодий салоҳиятини очиб, ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда замонавий бизнес муҳитини шакллантиришда фаол иштирок этади.

Мазкур ёндашув мамлакатимиз таълим тизимида янги институционал моделни қарор топтирмоқда. Илк бор олий таълим, илм-фан, банк-молия тизими, инвестиция институтлари ва тадбиркорлик муҳити ўзаро узвий



Элмурод ҲОШИМОВ,
Банк-молия академияси ректори

боғланган ягона экотизим сифатида фаолият юритади. Ушбу тизимда билим амалий қиймат, илмий тадқиқотлар иқтисодий ечимларга, инновацион голялар эса инвестиция жалб этадиган ва янги иш ўринлари яратадиган лойиҳаларга айланади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган энг муҳим ташаббуслардан яна бири — магистратура таълимининг мазмун-моҳиятини тубдан янгилаш, уни мамлакат иқтисодиётининг реал эҳтиёжлари билан узвий боғлаш. Хусусан, магистрлик диссертацияларини амалий иқтисодий ва инвестиция лойиҳалари асосида шакллантириш механизмининг жорий этилиши олий таълим, илм-фан ва иқтисодиёт интеграциясини таъминлайдиган мутлақо янги тизимни вужудга келтиради.

Мазкур ёндашувнинг асосий аҳамияти шундаки, илмий тадқиқотлар энди назарий изланишлар доирасида қолиб кетмайди, балки мамлакатимиз ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қиладиган аниқ амалий ечимларга айланади. Энди ҳар бир магистрант ўз диссертациясида муайян ҳудуд ёки тармоқда мавжуд иқтисодий муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этишга қаратилган иқтисодий жиҳатдан асосланган бизнес-лойиҳа ёки инвестиция таклифини ишлаб чиқади. Бу эса илмий тадқиқотларнинг амалий қийматини ошириш билан бирга таълим жараёнини реал иқтисодиёт талаблари билан янада уйғунлаштирилади.

Айниқса, энг истиқболли лойиҳаларнинг нафақат магистрлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилиниши, балки Ёшлар тадбиркорлиги жамағмаси томонидан молиявий қўллаб-қувватланиб, амалиётга татбиқ этилиши илм-фан, илмий тадқиқотлар иқтисодий ечимларга айлантиришнинг самарали механизминини яратди. Бу орқали илмий го — бизнес-режага, бизнес-режа — инвестиция лойиҳасига, инвестиция эса янги ишлаб чиқариш қувватлари, янги иш ўринлари ва юқори қўшилган қиймат яратадиган иқтисодий фаолиятга айланади.

Президентимиз ўз маърузасида мамлакатимизда раҳбар кадрларни тайёрлаш ва танлаш тизимини такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, энг яхши бизнес лойиҳаларни муаллифларининг ҳудудий банклар раҳбарлари ҳамда ҳокимларнинг иқтисодиёт бўйича ўринбосарлари лавозимларига биринчи навбатда номзод си-



фатида қўриб чиқишли ҳақидаги ташаббус давлат бошқаруви тизимида мутлақо янги ёндашувни бошлаб беради.

Мазкур қарор мамлакатимизда раҳбар кадрларни тайёрлаш ва саралашнинг замонавий, натижага йўналтирилган моделини шакллантиришга хизмат қилади. Энди раҳбарлик лавозимларига номзодларни баҳолашда фақат назарий билим ёки таълим тўғрисидаги ҳужжат эмас, балки уларнинг амалий фаолияти, иқтисодий таҳлил қилиш қобилияти, стратегик фикрлаш, ташаббускорлиги ва мураккаб иқтисодий муаммоларга аниқ ечим таклиф эта олиш салоҳияти ҳал қилувчи мезонга айланади. Яъни яратилган бизнес лойиҳасининг ҳаётлиги, иқтисодий самарадорлиги ва ҳудуд ривожига қўшаётган амалий ҳиссаси кадрлар соҳоятининг баҳолашнинг муҳим кўрсаткичи сифатида намоён бўлади.

Шубҳасиз, бундай юксак марраларга эришиш, энг аввало, замонавий билим ва касбий қўникмаларга эга, инновацион фикрлайдиган, ташаббускор, юксак фуқаролик масъулияти ҳамда ватанпарварлик туйғуси

яқинлаштириш, тадқиқотларни амалиётдаги муаммолар ечимига йўналтириш, илмий изланиш натижасини жамият тараққиётига хизмат қиладиган амалий кучга айлантириш гоёси муҳасам.

Айниқса, ички ишлар органлари учун айни го муҳим. Чунки ҳуқуқ-тартибот соҳасида ҳам илмий кадрлар, замонавий таҳлилчилар, кримнологик фикрлайдиган мутахассислар, киберхавфсизлиқни тушунадиган ходимлар, рақамли далиллар билан ишлай оладиган тадқиқотчилар зарур.

Ички ишлар органлари таълим муассасалари олдида турган вазифалар ҳам бугунги ислохотлар мазмуни билан узвий боғлиқ. Энди кадр тайёрлаш жараёнини фақат аудиториядаги назарий машғулотлар ёки қонун нормаларини ўргатиш билан чеклаб бўлмайди. Ҳуқуқ-тартибот соҳасида хизмат қиладиган бўлажак ходим ҳаётнинг ўзи билан юзма-юз келади: у одамлар дардини эшитида, низоли вазиятларда қарор қабул қилади, маҳалладаги ижтимоий муҳитни англайди, рақамли далиллар билан ишлайди, энг муҳимини, ҳар бир ҳаракати ортида инсон тақдири турганини ҳис этади. Шу боис, бугунги таълим ислохотлари курсантни фақат интизомли ижрочи эмас, балки билимли, адолатли, таҳлилий фикрлайдиган ва халқ билан мулоқот қила оладиган профессионал кадр сифатида шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Янги давр ички ишлар таълимида ҳаётга яқинлик, амалиёт билан узвий боғлиқлик ва таҳлилий ёндашув алоҳида аҳамият касб этмоқда. Илгари курсантни, асосан, ҳуқуқий билим ва хизмат интизоми асосида тайёрлаш устувор бўлган бўлса, бугунги ислохотлар уни реал ижтимоий муҳитни англайдиган, маҳалладаги кримноген вазиятни тўғри баҳолайдиган, ҳуқуқбузарлик сабабларини илмий асосда таҳлил қила оладиган мутахассис сифатида шакллантиришга йўналтирмоқда. Бу эса таълим жараёни мазмунини янада бойитиб, уни жонли амалиёт билан яқинлаштираётир.

Умуман, бугунги кунда Ўзбекистонда хавфсизлиқнинг янги формулишга шаклланмоқда: маҳалла ҳаётни кўради, илм сабабини очади, технология тезкорлик беради, масъулият эса натижани таъминлайди. Бу тўрт омил уйғунлашган жойда ҳуқуқ-тартибот тизими халққа суняган, халқ учун хизмат қиладиган замонавий институтга айланади. Бундай тизимда ҳар бир ходим ўз фаолиятини олдий хизмат вазифаси эмас, балки инсон хотиржамлигига дахлдор масъулият сифатида англайди.

Энг муҳими, ислохотлар ортида оддий, аммо улғу мақсад турибди: одамлар тинч яшасин, маҳаллаларда осийшталлик бўлсин, ёшлар тўғри йўлдан адашмасин, жиноятга олиб борадиган сабаблар вақтида бартараф этилсин, фуқаро давлат органига мурожаат қилганда ўзини ёлғиз ҳис қилмасин. Ана шу мақсад ҳуқуқ-тартибот тизимидаги ҳар бир янгиланишга инсонпарвар мазмун бағишламкода.

Бугун олдимизда турган вазифа аниқ: маҳаллаларда хавфсиз муҳитни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқ-тартибот органларини замонавий билим ва технологиялар билан қуrollантириш, ички ишлар органлари учун профессионал, илмий ва халқпарвар кадрлар тайёрлаш. Ушбу вазифалар бир-биридан алоҳида эмас, балки ягона мақсадга хизмат қилади. Бу мақсад янги Ўзбекистонда инсон ўзини ҳимояланган, қаралланган ва эртанги кунга ишонч билан қарайдиган жамиятни барпо этишдир.

Хулоса қилиб айтганда, хавфсизлиқни фақат кучли тизим эмас, илмий кадр, адолатли ёндашув, маҳалла билан яқин ҳамкорлик ва халқ ишончи таъминлайди. Бугунги ислохотлар ана шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқламоқда. Илмга таянган, технологиядан оқилона фойдаланган, маҳалла ҳаётини чуқур билган ва инсон қадрини устувор қўйган ҳуқуқ-тартибот тизими янги Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти ва осийшга ҳаёт учун энг ишончли таянч бўлиб хизмат қилади.



Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Шу кунларда Ўзбекистон жаҳон ислом тафаккурининг асосий диққат марказига айланди. Мамлакатимизда “Ислом цивилизацияси: тинчлик, бағрикенглик ва илм-маърифат йўли” мавзусида Ислом цивилизацияси I Халқаро форуми юксак даражада ўтказилди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ушбу нуфузли анжуман ўзининг географияси ва кўлами билан аҳамиятли. Форум мамлакатимизнинг уқта қадимий ва тарихий маркази — Тошкент, Самарқанд ва Термиз шаҳарларини ягона маърифий йўналиш сифатида бириктирди.

Анжуманда дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатидан нуфузли меҳмонлар, жумладан, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, етакчи исломшунос олимлар, вазирлар ва муфтийлар иштирок этди. Халқаро ислом таълими ва маданияти ташкилоти (ICESCO) билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбир жаҳон илмий жамоатчилиги диққат марказида бўлди.

Форумнинг очилиш маросими Тошкент шаҳрида, маҳобатли Ислом цивилизацияси марказида бўлиб ўтди. Бу мажмуа нафақат ўзининг меъморий кўриниши, балки ундаги инновацион технологиялари билан ҳам ҳамюртларимиз ва хорижлик меҳмонларни ҳайратга солимоқда. Музейдаги буюк алломаларимизнинг 100 дан ортиқ рақамли аватарлари ва ноёб кўлэмалар фондиди Ўзбекистоннинг Ислом Ренессанси бешиги бўлганини яна бир бор исботлади.

Тошкентда ўтказилган ялпи мажлисларда асосий эътибор маданий дипломатияни ривожлантириш, сохта диний гояларга қарши фақат маърифат билан курашиш ҳамда дунё фондларидаги ноёб кўлэмаларни рақамлаштириш масалаларига қаратилди. Бу жуда муҳим, зеро, маърифат ва маданий дипломатия сохта гоялардан ҳимоя қилади, рақамлаштириш эса ўтмиш меросини келажак учун сақлаб қолади.

7-12 июль кунлари Ислом цивилизацияси маркази ҳамда Ислом дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESCO) ҳамкорлигида ташкил этилган форум дунёнинг турли мамлакатларидан келган етук олим, мутафаккир ва тадқиқотчиларни жамлаган нуфузли илмий ва интеллектуал майдон вазифасини ўтади. Унда ислом цивилизациясининг инсоният тараққиётига қўшган ҳиссаси, замонавий муаммолар ва келажак истикболлари муҳокама қилинди.

Бу таширф оддий халқаро конференцияда иштирок этишдан анча юксак маънога эга эди. Бу мен учун ислом тарихи бағрига саёҳат, илм-фан ва буюк цивилизация билан ном қозонган юрти ўз кўзим билан кўриш имконияти бўлди. Пойтахт Тошкент ҳамда тарихий Самарқанд шаҳрини зиёрат қилдим. Бу қадимий шаҳарларнинг ҳар бир кўчаси ва меъморий обидалари ислом цивилизациясининг улугворлиги ҳамда унинг илмий ва маданий мероси ҳақида ҳикоя қилади.



Доктор Муҳаммад
Шаҳим Али САИД,
Мальдив Республикаси Ислом
ишлари вазир

Ушбу сафарнинг энг таъсирили жиҳати шундаки, у талабалик давримдан бери қалбимда сақлаб келган орзумнинг ушланиши бўлди. Ислом тарихини ўрганар эканман, Самарқанд, Бухоро ва Термиз ҳақида кўп мутолаа қилганман, бу буюк шаҳарларда вояга етган улуг алломалар ва уларнинг ислом

цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида чуқур ўйга толганман. Бир кун келиб, муборак масканларни зиёрат қилиш орзум эди. Тарих китобларида ўқиганым муқаддас манзилларни ўз кўзим билан кўриш қалбимни чуқур ҳажжонга солди.

Ўзбекистон номи тилга олинганда, инсон бекхитир буюк алломалар ва муҳаддислар юртини эслайди. Бу замин ислом илм-фани тарихида ўчмас из қолдирган улуг зотларнинг ватани. Улар орасида Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Имом Абу Исо ат-Термизий ва бошқа кўплаб буюк олимлар бор. Уларнинг илмий мероси асрлар давомида мусулмон уммати учун ҳидоят ва маърифат манбаи бўлиб келмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон раҳбариятининг ушбу буюк цивилизация меросини асраш ва қайта тиклаш йўлидаги улкан саъй-ҳаракатлари чуқур таассурот қолдирди. Тарихий обидаларни



Сафаримнинг энг унутилмас жиҳатларидан яна бири ўзбек халқининг самимий меҳмондўстлиги бўлди. Мен меҳр-оқибатни, ўзаро ҳурматни, юксак одоб-ахлоқни ҳамда исломий қадриятларни ўз миллий анъаналари билан уйғунлаштирган жамиятни кўрдим.



таъмирлаш, илмий ва тадқиқот муассасаларини ривожлантириш ҳамда ислом цивилизацияси меросини тарғиб этувчи марказларни барпо қилиш орқали бутун Ўзбекистон илмий



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОСЛАГАН ЎЗБЕК АЛИФОБАСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Т-746.
29609 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳих: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 02:00 Топширилди — 02:05

МАЪРИФАТ ВА ЭЗГУЛИК МИНБАРИ

Ўзбекистон глобал ислом тафаккури марказига айланмоқда

Анжуман дастури Самарқанд ва Термиз шаҳарларида давом эттирилди. Самарқандда “Ал-Жомий ас-Саҳиҳ” — “Умнат китоби” мавзусидаги конференция доирасида ҳадис илмининг султони Имом Бухорий мероси чуқур таҳлил қилинди. Термизда эса Имом Термизий ва Имом Мотуридийнинг ақида ва калом илми ривожига қўшган ҳиссаси, уларнинг асарларидаги бағрикенглик тамойиллари муҳокама этилди. Шуниси эътиборлики, Самарқанд ва Термизда айнан ушбу мавзуларнинг танланиши тарихий ҳақиқат ва бугунги кун эҳтиёжи билан боғлиқ. Ҳозирда сохта диний оқимлар ҳадисларни ва ақида (ислом иймон асослари) масалаларини ўз мақсадларига мослаб, нотўғри талқин қилмоқда.

Имом Бухорий мероси — сохта ва тўқима ҳадисларни асл ҳадислардан ажратиб беришни бош мезон. Имом Мотуридий таълимоти — ақидада чуқур кетмаслик, бағрикенглик ва ақл билан нақлни (диний матнларни) мувозанатда ушлаш асосидир. Бу таълимот мутаассибликка (радикализмга) қарши энг кучли мафқуравий қалқон ҳисобланади.

Форум доирасида тақдим этилган “Шавкат Мирзиёев — маърифатпарвар йўлбошчи” китоб-альбоми ва Имом Термизийнинг “Шамоили Муҳаммадӣ” асарининг рус тилидаги илк академик наشري халқаро илмий ҳамжамият учун катта тухфа бўлди. Ушбу икки асар шунчаки оддий китоблар



эмас, балки халқаро сиёсат, глобал исломшунослик ва академик илм-фан учун муҳим стратегик аҳамиятга эга бебаҳо манбалар.

Халқаро илмий ҳамжамият нима учун уларни юқори баҳолаётганини қатор омиллар орқали кенгрок тушуниш мумкин. Хусусан, “Шавкат Мирзиёев — маърифатпарвар йўлбошчи” китоб-альбоми дунё ҳамжамияти учун Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги

янги давлатчилик ва маданий стратегик моделини тушунтириб беришни асосий қўлланма. Шунингдек, бу китоб ислом олами учун миллий тараққиётимизнинг ўзига хос тақдироти, десак тўғри бўлади.

Сир эмаски, кўпгина хорижий давлатлар ислом дини ривожини фақат масжидлар куриш ва диний расмийчилик билан ўлчайди. Бу асар эса Ўзбекистоннинг “Дин ва илм-фан уйғунлиги” концепциясини — яъни динни маърифат ва Учинчи Ренессанс пойдевори сифатида ривожлантириш стратегиясини очиб беради.

Шуниси аҳамиятлики, форум шунчаки илмий учрашув эмас, балки стратегик мақсадларга хизмат қилувчи глобал платформа-дир. Улардан энг муҳими — ислом динининг софлигини ҳимоя қилиш. Форум дунёга ислом дини ўзравонлик эмас, балки тинчлик ва тараққиёт дини эканлигини илмий асослар билан кўрсатиб беришга қаратилган.

Илмий интеграция бу — форумдан қўзланган яна бир мақсад. Жаҳондаги етакчи тадқиқот марказлари билан Ўзбекистон ўрта-сда кўлэмаларни биргаликда ўрганиш бўйича узоқ муддатли шартномалар имзоланиши эса ватанимизнинг хориждаги меросини қайтариш, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш ва сохта маълумотларга барҳам бериш нуқтани назаридан жуда муҳим. Бундан ташқари, нуфузли форум Ўзбекистонни дунёга маърифий туризм ва исломшунослик илмининг бош марказларидан бири сифатида қайта танитади.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Кўпчиликлда “Бундай йирик халқаро форумларнинг оддий одамлар ҳаётига, кундалик турмуши-мизга қандай дахли бор?”, деган табиий савол туғилиши мумкин. Аслида, бу анжуман ва унинг негизда турган Ислом цивилизацияси маркази ҳар бир Ўзбекистонликнинг ҳаётига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади. Хусусан, фарзандларимиз тарбияси ва хавфсизлигига. Бугунги глобллашув ва интернет асрида ёшларимизни турли ёт гоялар, экстремистик оқимлар ва адашчилардан асраш энг муҳим масалага айланди. Форумда илгари сурилган соф диний маърифат ва аждодларимизнинг ҳақиқий илмий мероси ёшларимиз учун кучли маънавий иммунитет вазифасини ўтади. Ўғил ва қизларимиз ислом динини ижтимоий тармоқлардаги шубҳали кимсалардан эмас, балки Имом Бухорий, Имом Термизий каби соф манбалардан ўрганади.

Бундан ташқари, миллий гурур ва ўзликни англаш масаласи бор. Маҳаллаларда, оилаларда фарзандларимизга “Биз кимларнинг авлодимиз?”, деган саволга оддий ва ёрқин жавоб пайдо бўлди. Ислом цивилизацияси марказида яратилган инновацион рақамли технологиялар, алломаларнинг аватарлари ўсиб келаётган авлодда илм-фан, китобхонлик ва ватанпарварликка ҳавасни уйғотади. Бу кундалик ҳаётда фарзандларимизни телефонга қарам бўлишдан йироқлаштириб, китоб ва илмга юзланишига ёрдам беради.

Оилалардаги тинчлик ва бағрикенглик муҳити — бу ҳам форумнинг узоқ муддатли таъсири натижаси бўлади. Ислом цивилизациясининг энг бош ғояси — аҳиллик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат ва оила муқаддаслигидир. Форумда тарғиб этилган маънавий қадриятлар жамиятимиздаги оилавий аҳиллик ва ватанпарварликка ҳавасни уйғотади. Бу кундалик ҳаётда фарзандларимизни телефонга қарам бўлишдан йироқлаштириб, китоб ва илмга юзланишига ёрдам беради.

Оилалардаги тинчлик ва бағрикенглик муҳити — бу ҳам форумнинг узоқ муддатли таъсири натижаси бўлади. Ислом цивилизациясининг энг бош ғояси — аҳиллик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат ва оила муқаддаслигидир. Форумда тарғиб этилган маънавий қадриятлар жамиятимиздаги оилавий аҳиллик ва ватанпарварликка ҳавасни уйғотади. Бу кундалик ҳаётда фарзандларимизни телефонга қарам бўлишдан йироқлаштириб, китоб ва илмга юзланишига ёрдам беради.

Бундай кенг кўламли анжуманни ўтказиш ва унга кетадиган харажатлар шунчаки “тадбирбозлик” эмас, балки давлатнинг узоқ муддатли сиёсий, иқтисодий ва геостратегик манфаатларига тикилган йирик инвестициядир. Дунё тажрибасида бу “юмшоқ куч”

дипломатияси деб аталади. Хусусан, мамлакатимизнинг ислом оламининг янги етакчиси сифатида тан олиншига хизмат қиладикки, бундай нуфуз Ўзбекистон геосиёсий салоҳиятини янада оширади. Айниқса, агар дунёдаги мусулмонларнинг катта нуфусини ҳисобга оладиган бўлсак, бу қадар йирик марказ ва форум орқали Ўзбекистон Саудия Арабистони, Миср ва Туркия каби давлатлар қаторида ислом дунёсининг асосий интеллектуал ва маданий марказига айланоқда.

Қолаверса, халқаро майдондаги ишонч масаласи ҳам бор. Ўзбекистон ўзини минтақамизда “соф ва маърифий ислом”ни ҳимоя қилувчи хавфсиз, барқарор ва бағрикенг давлат сифатида кўрсатмоқда. Бу эса БМТ, ЮНЕСКО ва ICESCO каби глобал ташкилотлар олдида мамлакатнинг сиёсий вазинини кескин оширади.

Бундан ташқари, форумнинг тўғридан тўғри иқтисодий фойдалари борки, бун ҳам тилга олмай илож йўқ. Зиёрат туризмининг кескин юксалиши шулар жумласидан. Гап шундаки, форумга келган 300 нафар энг нуфузли олим ва вазирлар ўз мамлакатларида миллионлаб диндорлар учун фикрлар етакчиси ҳисобланади. Уларнинг Ўзбекистон ҳақидаги ижобий фикри ортдан юртимизга юз минглаб янги зиёратчи сайёҳлар келади. Сайёҳлар олиб келадиган валюта меҳмонхоналар, ресторанола, транспорт ва авиация тизими орқали давлат бюджетига солиқ бўлиб қайтади ва харажатларни бир неча баробар қилиб оқлайди. Маданий ва диний жиҳатдан барқарор, тарихи бой давлатга хорижлик инвесторлар анча хотиржам пул тикиди. Ислом цивилизацияси маркази каби нуфузли мажмуалар Ўзбекистоннинг “таширф қоғози” ва инвестиция форумлари учун асосий драйвер бўлиб хизмат қилади.

Шуни ҳам қўшимча қилиш керакки, ёшлар орасида диний радикаллашув, дин ниқобидаги жиноятчилик ва адашчилар давлат учун жуда қимматга тушади. Форум ва Ислом цивилизацияси маркази тарғиб қиладиган “илм ва маърифат” ғояси жамиятнинг ичидан соғломлаштиради. Идеологик хавфсизликни таъминлаш орқали давлат келажакдаги миллиардлаб йўқотишларнинг олдини олади.

Форумнинг яна бир жиҳати борки, уни ҳам юртимиз учун бевосита фойда келтирадиган омили сифатида айтиш жоиз. Ноёб кўлэмалар — бебаҳо актив. Дунё фондларида Марказий Осиёдан олиб кетилган ўн минглаб ноёб кўлэмалар сақланади. Уларнинг асл нусхалари ёки рақамли фондларини Ўзбекистонга қайтариш миллионлаб доллар туради. Форум доирасида тузилладиган меморандумлар орқали бу илмий мерос юртимизга бепул ёки имтиёзли асосда тақдим этилади. Бу эса миллий бойлигимизни капиталлаштира қилишни англатади.

Форумга сафланган куч, вақт ва маблағ — бу шунчаки бир неча кунлик харажат эмас, балки Ўзбекистоннинг халқаро образи, туризм сектори ва миллий хавфсизлиги учун тикилган узоқ муддатли стратегик капиталдир.

ва маданий меросни асраб-авайлашда етакчи мамлакатлардан бири сифатида ўз мавқеини янада мустаҳкамлаб бормоқда.

Сафаримнинг энг унутилмас жиҳатларидан яна бири ўзбек халқининг самимий меҳмондўстлиги бўлди. Мен меҳр-оқибатни, ўзаро ҳурматни, юксак одоб-ахлоқни ҳамда исломий қадриятларни ўз миллий анъаналари билан уйғунлаштирган жамиятни кўрдим. Меҳмонларга кўрсатилган эҳтиром ва саховат ҳамда исломнинг раҳм-шафқат ва ҳурмат каби ғўзал фазилатлари қалбимда унутилмас таассурот қолдирди.

Бу таширф мен учун илмий ва инсоний жиҳатдан ниятда бей таъриба бўлди. У яна бир бор менга ислом цивилизацияси фақат тарих саҳифаларида қолган мерос эмас, балки илм, ахлоқ ва инсоният тараққиётига асосланган абадий ва ҳаётий хабар эканини англатди. Шунингдек, ўз мероси ва тамадду-нини қадрлайдиган, олимларини эъзозлайдиган халқлар порлоқ ва мазмунли келажакни бунёд этишга энг муносиб эканига бўлган ишончмани янада мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Жаноби Олийларига, мамлакат ҳукумати ва халқига, Ислом цивилизацияси марказига ҳамда ICESCO ташкилотига самимий миннатдорлигимни билдираман. Аллоҳ таоло ушбу эзгу саъй-ҳаракатларни муборак қилсин, Ўзбекистон тинчлиги, барқарорлиги ва равнақи бокий бўлсин.